

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ЁҚУБОВ ЖАСУР АШУРАЛИЕВИЧ

**КУЗГИ РАПС ЎСИШИ, РИВОЖЛАНИШИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИГА
ЭКИШ МУДДАТЛАРИ ҲАМДА МЕЪЁРЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ
(ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ ТИПИК БЎЗ ТУПРОҚЛАРИ ШАРОИТИДА)**

06.01.08 – Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of
agricultural sciences**

Ёқубов Жасур Ашуралиевич

Кузги рапсинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига экиш
муддатлари ҳамда меъёрларини таъсири (*Тошкент вилоятининг
типик бўз тупроқлари шароитида*)..... 3

Ёқубов Жасур Ашуралиевич

Влияние сроков и норм посева на рост, развитие и урожайность
озимого рапса (в условиях типичных сероземов Ташкентской
области)..... 21

Yoqubov Jasur Ashuralievich

The Effect of Sowing Dates and Rates on the Growth, Development, and
Yield of Winter Rapeseed (Under the Conditions of Typical Grey Soils of
Tashkent Region)..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ЁҚУБОВ ЖАСУР АШУРАЛИЕВИЧ

**КУЗГИ РАПС ЎСИШИ, РИВОЖЛАНИШИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИГА
ЭКИШ МУДДАТЛАРИ ҲАМДА МЕЪЁРЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ
(ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ ТИПИК БЎЗ ТУПРОҚЛАРИ ШАРОИТИДА)**

06.01.08 – Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕТ–2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Qx668 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида (ПСУЕАИТИ) бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.psuyaiti.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyo.net) да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Каримов Шарофиддин Абдукаримович қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), катта илмий ходим
Расмий оппонентлар:	Телляев Рихсивой Шамахмадович қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Бозоров Холмурод Махмудович қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим
Етакчи ташкилот:	Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 рақамли илмий даражалар берувчи илмий кенгашнинг «__» _____ 2025 йил соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника МФЙ, ЎзПТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99871) 150–62–84; факс: (99871) 156–61–34; paxtauz@mail.ru.

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника МФЙ., ЎзПТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99871) 150–62–84; факс: (99871) 150–61–37.

Диссертация автореферати 2025 йил «__» _____ кун тарқатилди.
(2025 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Н.Нурматов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д.,
профессор

Ф.М.Ҳасанова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
к.х.ф.н., профессор

Ж.Х.Ахмедов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунё аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш, хавфсиз ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда ўсимлик мойи муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда дунёда мойли рапс экинини етиштириш ҳажми 89,58 млн. тоннани ташкил этиб, бу кўрсаткич Европа Иттифоқида 19,65 млн.т, Канадада 19,25 млн.т, Хитойда 15,9 млн.т, Ҳиндистонда 12 млн.т, Австралия 6,1 млн.т, Россия 5,3 млн.т, Украина 3,5 млн.т ва бошқа мамлакатларда 7,9 млн.т ни ташкил қилмоқда.¹ Шу жиҳатдан, рапс бутун дунё бўйлаб асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан бири бўлиб, айниқса мойи учун етиштирилиб, пазандачиликда, саноатда ва тиббиётда шифобахш мой сифатида қўлланилиши билан ҳам қимматли ҳисобланади. Дунёда рапс етиштириш ҳолатига турли омиллар, жумладан, қишлоқ хўжалиги амалиёти, бозор талаблари, иқлим шароитлари, агротехнология даражаси ва навларнинг мослашувчанлиги алоҳида аҳамиятга эга.

Дунёда сифатли мой маҳсулотларига бўлган талаб кундан-кунга ортиб бораётган бир вақтда рапс навларидан юқори ва сифатли уруғ ҳосили олиш бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотлар навларнинг ҳосилдорлиги, стресс омилларига чидамлилиқ ҳамда ёғ сифатини оширишга қаратилган. Турли хил навларнинг экиш муддатлари, меъёрлари, усуллари, озиқлантириш, касаллик, зараркунандалардан ҳимоялашда инновацион агротехнологияларни ишлаб чиқиш, уруғ ҳосили ва сифатини ошириш бўйича муҳим тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шунинг билан бирга, рапс етиштириш жараёнида юқори ҳосилдорликка эришиш ва иқтисодий самарадорликни ошириш мақсадида замонавий ва инновацион агротехнологиялар (томчилатиб суғориш, прецизион техникадан фойдаланиш, биологик фаол моддалар билан ишлов бериш ва б.қ.) жорий қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 июндаги ПҚ-273-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 -2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2021-йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”² ги 1-г бандига асосан, бугунги кунда мамлакатимизда рапс етиштиришни ривожлантиришда юқори уруғ ҳосилдорлиги ва сифатига эга бўлган, шунингдек, иссиқ иқлим шароитига мослашган янги навларни яратиш, турли тупроқ-иқлим шароитларида экиш муддатлари, меъёрлари ва усуллари аниқлаб, илмий асосланган агротехнологияларни ишлаб чиқиш, рапснинг ўсиш ва ривожланишини жадаллаштириш ҳамда барқарор ва юқори ҳосил етиштириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853 сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини

¹ <https://ipad.fas.usda.gov/cropeplorer/cropview/commodityView.aspx?cropid=2226000>

² <https://lex.uz/docs/-6055539>

ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2024 йил 16 февралдаги ПФ-36 сон “Республикада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, 2024 йил 13 мартдаги 130-сон “Мойли уруғларни қайта ишловчи корхоналарнинг экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада ва хорижий мамлакатларда рапсни етиштириш технологияларини ишлаб чиқиш, ўсиб ривожланиши, мақбул экиш муддат, меъёр ва усуллари, сидерат экин ҳамда яшил масса сифатида етиштириш бўйича Х.Бўриев, К.М. Мирзажонов, Ю.Кенжаев, Б.М.Халиков, Т.Неъматов, К.М. Юсупжонов, шунингдек хорижлик олимлардан J.Holman, O.Balodis, H.Rahman, P.Laaniste, M.Stamm, S.Zhang, F.Gunstone, M.И.Блащук, В.Я.Щербаков, Я.Гойсалюк, Я.Э.Новоселовлар томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

Лекин, Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида кузги рапснинг Ясна навини ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва уруғининг кимёвий таркибига экиш муддатлари ҳамда меъёрларини таъсири етарлича ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотини илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти ҚХ-А-ҚХ-2018-216 “Тошкент вилоятининг турли даражада шўрланган тупроқлари шароитида ғўза мажмуидаги зироатларни парваришлаш технологияси элементларини такомиллаштириш” амалий лойиҳаси доирасида бажарилган (2019-2021).

Тадқиқотнинг мақсади. Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида кузги рапс Ясна навининг мақбул экиш муддат ва меъёрларини аниқлаш орқали ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши ва юқори сифатли уруғ ҳосили етиштириш ҳамда ишлаб чиқаришга тавсия этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кузги рапс уруғларининг дала ва лаборатория шароитидаги унувчанлигини аниқлаш;

кузги рапс экиш муддатлари ва меъёрларининг туп сони ва ҳосил шаклланишига таъсирини ўрганиш;

кузги рапснинг ривожланиш даврларининг давомийлигига экиш муддатлари ва меъёрлари таъсирини аниқлаш;

кузги рапснинг барг сатҳи, фотосинтетик потенциали ва фотосинтез соф

маҳсулдорлигига экиш муддатлари ва меъёрлари таъсирини аниқлаш;

кузги рапс куруқ массасини экиш меъёрлари ва муддатларига боғлиқ ҳолда ўзгаришини аниқлаш;

кузги рапснинг биометрик кўрсаткичларини ўрганиш;

кузги рапснинг ҳосилдорлик ҳамда уруғининг кимёвий таркибига экиш муддатлари ва меъёрлари таъсирини ўрганиш;

кузги рапс етиштиришда экиш муддатлари ва меъёрларининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқот объекти сифатида типик бўз тупроқлар, кузги рапснинг Ясна нави, уруғ экиш муддатлари ва меъёрлари олинган.

Тадқиқот предмети бўлиб кузги рапс уруғларининг унувчанлиги, қишлаши, ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши, куруқ масса тўплаши, барг юзаси, фотосинтез соф маҳсулдорлиги, уруғ ҳосилдорлиги ва унинг кимёвий таркибига экиш муддатлари ва меъёрлари таъсири ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотлар дала ва лаборатория шароитларида ўтказилган, дала тажрибаларини жойлаштириш, ҳисоблашлар ва кузатувлар “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари”, «Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур», тупроқ ва ўсимлик таҳлиллари “Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах” услубий қўлланмалари асосида олиб борилган. Олинган натижаларнинг статистик таҳлили Microsoft Excel дастури ва Б.А.Доспеховнинг “Методика полевого опыта” услубий қўлланмаси асосида аниқланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Илк бор Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида кузги рапснинг Ясна навидан юқори ва сифатли уруғ ҳосили етиштиришда мақбул экиш муддат ва меъёрлари ишлаб чиқилган;

кузги рапснинг Ясна навини сентябр ойининг 3 декадасида гектарига 1,0-1,5 млн.дона уруғ экилганда, 3,0 млн.дона экилганга нисбатан 16-19 кун эртароқ, экиш муддати 10 кун кечиктирилганга нисбатан 7-12 кунга, 20 кун кеч экилганга нисбатан эса 15-20 кун эртароқ пишиб етилиши аниқланган;

гектарига 1,5 млн.дона уруғ экилганда рапснинг ўсиши-ривожланиши ва кузоқчаларнинг шаклланишига, куруқ массаси, барг юзаси, фотосинтез маҳсулдорлигига, рапснинг ҳосилдорлиги ва уруғларинг кимёвий таркибига ижобий таъсири аниқланган;

тажрибада энг юқори иқтисодий самарадорлик экиш муддатлари сентябр ойининг 3 декадасида гектарига 1,5 млн.дона экилган вариантларда аниқланиб, соф фойда 8187352 сўм/га.ни, рентабеллик даражаси эса 83,9%ни ташкил этган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат: илмий тадқиқотдан олинган илмий натижалардан келиб чиқиб, Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида кузги рапснинг Ясна навини мақбул экиш муддатлари ва меъёрлари аниқланган. Олинган илмий маълумотларни қўллаш натижасида ушбу шароитда кузги рапснинг Ясна

навини экиш муддати ва меъёрига боғлиқ равишда кўчат ҳосил қилиш имконияти, қишлаш даражаси, кузги рапс навларини ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ҳамда уруғининг кимёвий таркиби нисбатан юқори бўлишига эришилган.

Олинган маълумотларга кўра, кузги рапснинг Ясна навини етиштиришда мақбул экиш муддатлари ва уруғ меъёрлари аниқланди. Хусусан, сентябр ойининг учинчи ўн кунлигида, гектарига 1,5 миллион дона уруғ сепилганда, кўчатлар 7 кунда униб чиқиб, ўсимликларнинг нобуд бўлиш даражаси 4,1% дан ошмаган, барг сатҳи ва фотосинтез соф маҳсулдорлиги 63,99 минг/м²/га, 15,3 г/м²/суткани ташкил этган.

Агротехник тадбирларни қўллаш натижаларига кўра, кузги рапснинг Ясна навини сентябрнинг 3 декадасида экиш меъёри гектарига 1,5 млн.дона уруғ экилганда ривожланиш даврларининг давомийлиги 249 кун ва ҳосилдорлик 32,6 центнерни ташкил этган, бу эса юқори агротехник самарадорликни кўрсатади. Гектарига 1,0 ва 1,5 млн.дона уруғ экилганда, уруғ таркибидаги оқсил 20,97-21,16 %, мой 40,7-41,1, клетчатка 38,72-39,09 %, кальций 0,47 %, фосфор 0,52 %, кул миқдори 4,03-4,15% ни ташкил этиб, юқори сифатли уруғ ҳосили етиштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотдан олинган назарий ва амалий натижалар бир-бирига мос келиши, маҳаллий ва хорижий тажрибалар билан таққосланганлиги, аниқланган қонуниятлар ва хулосаларнинг асосланганлиги, тадқиқотлар мутахассислар томонидан апробациядан ўтказилганлиги, тадқиқотлар натижалари республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинганлиги билан ишончлилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида кузги рапс Ясна нави уруғларининг дала шароитидаги унувчанлиги, ўсимликнинг қишлаб чиқиш даражаси ва сақланувчанлиги, ривожланиш даврларининг давомийлиги, қишки тиним давригача ҳосил қилган барг сони, шохланиш даражаси, поя баландлиги ва барг сони, барг юзаси, фотосинтетик потенциали, фотосинтез соф маҳсулдорлиги, қурук массаси, гулларининг шаклланиши, кўзоқлар сони ва 1000 дона уруғ вазни, ҳосилдорлик ва уруғининг кимёвий таркибига экиш муддатлари ва меъёрларига боғлиқлигини илмий асослангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида кузги рапснинг Ясна нави уруғларини мақбул экиш муддат ва меъёрлари қўлланилиб, юқори самарадорликка эришилганлиги ҳамда олинган натижалар асосида ишлаб чиқаришга тавсиялар берилиб, кузги рапс етиштиришдаги иқтисодий харажатларни камайтирилганлиги ҳамда дон ҳосилдорлиги ошганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида кузги рапс Ясна навининг экиш муддатлари ва меъёрларини ишлаб чиқиш бўйича ўтказилган тажрибалар натижалари

асосида:

“Тошкент вилояти типик бўз тупроқлари шароитида кузги рапсни етиштириш” номли тавсиянома тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2024 йил 11 октябридаги №05/04-04/489-сонли маълумотномаси). Ушбу тавсиянома бугунги кунда фермер хўжаликларида қўлланма сифатида фойдаланиб келинмоқда;

кузги рапснинг “Ясна” навини сентябр ойининг 3 декадаси (21-24.09) да гектарига 1,5 млн.дона уруғ экишни қўллаш юзасидан Тошкент вилоятининг Бекобод туманида “УМК Чорва” МЧЖ 7 га, “Истиклол” ф/х 3 га, жами 10 га. майдонга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2024 йил 11 октябридаги №05/04-04/489-сонли маълумотномаси). Натижада, кузги рапс Ясна навининг ҳар гектаридан 29,0 центнер уруғ ҳосили йиғиб олиниб, ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобга олинганда, ҳар гектар ердан 6 260 852 сўм соф фойда келтирган ва рентабеллик даражаси 64,6 фоизга тенг бўлган;

худди шу тартибда, Пискент тумани “Ёрқин” МЧЖ 5 га, “Жамшид” ф/х 2 га ва вилоят бўйича жами 7 га майдонга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2022 йил 11 октябридаги №05/04-04/489-сонли маълумотномаси). Натижада кузги рапс Ясна навининг ҳар гектаридан ўртача 30,1 центнер уруғ ҳосили йиғиб олинган. Ишлаб чиқариш харажатлари инобатга олинганда, ҳар гектардан 6 865 852 сўм соф фойда олиниб, рентабеллик даражаси 70,8 фоизни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала тажрибалари ҳар йили Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти томонидан тузилган апробация комиссияси томонидан “яхши” баҳоланган, йиллик ҳисоботлар институтнинг услубий ва илмий кенгашларида муҳокама қилинган. Тадқиқот натижалари бўйича 2 марта Республикада ва 3 марта Халқаро илмий-амалий конференцияларда маърузалар қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш чоп этилган бўлиб, 3 таси журналларда, шундан 1 таси хорижий журналда, 5 та илмий тўпламларда мақола ва тезислар чоп этилган, ҳамда 1 та тавсиянома нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган. Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар

ривожланишининг устувор йўналишларига ишнинг мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияда ижобий баҳолангани, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Кузги рапс (*Brassica napus* L.) нинг келиб чиқиши, халқ хўжалигидаги аҳамияти, биологик ва морфологик хусусиятлари»** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича ўтказилган илмий тадқиқотлар юзасидан маълумотлар келтирилган бўлиб, кузги рапсни аҳамияти, келиб чиқиши ва уни етиштириш бўйича кўплаб тадқиқотчиларнинг олиб борган ишлари, маҳаллий ва хорижий олимларнинг маълумотлари баён этилган. Адабиётлар шарҳининг хулоса қисмида Республикамизда ҳам рапс майдонларини кенгайтириш аҳоли учун озиқ-овқат таъминоти, саноат учун хомашё ҳамда чорвачилик учун ем-хашак манбасини ошириш учун рапс экиш муддатлари, меъёрлари, ўғитлаш ва суғориш талабларини аниқлаш ҳамда унинг самарали агротехнологияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш бўйича илмий изланишлар олиб бориш зарурлиги изоҳланган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот ўтказиш шароити ва услублари»** деб номланган иккинчи бобида дала тажрибалари Тошкент вилояти Қибрай тумани Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги “Ахборот-маслаҳат маркази” (extension center) ДУКга қарашли типик бўз, механик таркиби оғир кумокли тупроқ шароитида ўтказилгани баён этилган.


Рапсдан эртаги, юқори ҳосил, сифатли мой етиштириш учун рапснинг уруғ меъёр ва муддатларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш мақсадида кузги рапснинг Ясна навини ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва уруғининг кимёвий таркибига экиш муддатлари ҳамда меъёрларининг таъсирини аниқлаш бўйича тажрибалар олиб борилган.

Изланишлар фенологик кузатувлар ва лаборатория таҳлиллари ЎзПИТИда қабул қилинган **«Дала тажрибаларини ўтказиш услублари»** қўлланмаси асосида олиб борилган. Шунингдек, Н.Н.Третьяков услуги бўйича фотосинтез соф маҳсулдорлиги аниқланган. Тажриба маълумотларига математик-статистик ишлов бериш Microsoft Excel дастури ёрдамида Б.А.Доспеховнинг “Методика полевого опыта” қўлланмасида баён қилинган икки омилли дисперсион таҳлил услуги асосида амалга оширилган.

Диссертациянинг **«Турли экиш муддатлари ва меъёрларининг кузги рапсни ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири»** деб номланган учинчи бобида рапсни турли меъёр ва муддатларда экишнинг лаборатория ва дала шароитидаги унувчанлиги, илдиз тизимининг шаклланиши, қишлаш даражаси ва сақланувчанлиги, ривожланиш даврлари давомийлиги, қишги тиним давригача ҳосил қилган барг сони, шохланиш даражаси, поя баландлиги ва барг сони, барг сатҳи, фотосинтез соф маҳсулдорлиги, курук массаси, кўзоқчалар сони ва 1000 дона уруғ вазни, рапснинг ҳосилдорлиги ва сифат кўрсаткичларига таъсири тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Кузги рапс Ясна нави уруғларининг лаборатория шароитидаги унувчанлиги 97,7 % дан 100% гача ўзгариб бориб, ўртача унувчанлик 99,8% ни ташкил қилганлиги аниқланган (1-расм).

Экиш муддат ва меъёрларини кузги рапс Ясна навини дала шароитида униб чиқиши бўйича олинган маълумотларга кўра, сентябрь ойининг 1-декадасида гектарига 1,0 млн.дона экилган назорат вариантыдаги унувчанлик 90,5 % ни ташкил қилган бўлса, экиш меъёри ортиши билан бу кўрсаткичнинг ижобий ўзгариши қайд қилинган. Бунга кўра, экиш меъёри гектарига 1,5 млн.дона экилган вариантда униб чиққан уруғлар 93,2 %, гектарига 2,0 млн.дона экилган вариантда 92,9 %, гектарига 2,5 млн.дона экилган вариантда 93,4 % ва гектарига 3,0 млн.дона экилган вариантда эса 94,7 % ни ташкил қилган. Шунингдек, октябр ойининг 1-декадасида экиш меъёрларига боғлиқ ҳолда 87,4 % дан 94,1 % гача ўзгариб борган. Энг паст унувчанлик экиш меъёри 1,0 млн.дона.га вариантыда аниқланган бўлиб, экиш меъёрлари ортиши билан бу кўрсаткич орта борганилиги кузатилган. Экиш меъёри 2,0 млн.дона.га бўлган вариантда унувчанлик 92,2 % ни, экиш меъёри 3,0 млн.дона.га бўлган вариантда эса 93,0 % ни ташкил қилган.



1-расм. Кузги рапс Ясна наининг лаборатория шароитидаги унувчанлиги (2019 йил)

Октябр ойининг иккинчи декадасида ҳам юқоридаги қонуният такрорланиб, унувчанлик 85,6% дан 91,7% гача ўзгариб бориб экиш меъёри 1,0 млн.дона.га бўлган вариантда 86,8% ни ташкил этган. Экиш меъёри 1,5; 2,0; 2,5; 3,0 млн.дона.га ошган сари, дала унувчанлиги 89,9%, 90,0%, 95,0%, 97,0% гача ошиб боргани кузатилган (2-расм).

Тажрибада кузги рапсининг илдиз тизими барча кўрсаткичлар бўйича сентябрь ойининг 3-декадасида экилган вариантларда юқори бўлиб, илдиз оғирлиги октябр ойининг 1-декадасида экилганга нисбатан 1,22 г, октябр ойининг 2-декадасида экилганга нисбатан эса 2,62 г оғир бўлгани аниқланган.



2-расм. Кузги рапс Ясна навининг дала шароитида унувчанлиги (2019 йил)

Кузги рапс Ясна навининг қишлаш даражаси ва сақланувчанлиги экиш муддатлари сентябр ойининг 3-декадасида экилган вариантларда қишлаб чиқиш даражалари 90,62 дан 96,07 % гача, нобуд бўлган кўчатлар сони 3,9 дан 9,4 % гача ўзгариб борган. Экиш меъёрларининг камайиши қишлаш даражасини ортишига олиб келган. Энг юқори натижа гектарига 1,0 млн.дона экилган вариантда кузатилиб, экиш меъёри 3,0 млн.дона.га бўлган вариантга нисбатан 9,4 % юқори бўлганлиги аниқланган. Октябр ойининг 1 ва 2 декадаларида юқоридаги қонуният такрорланиб сентябрнинг 3-декадасига нисбатан қишлаб чиқиш даражаси 1,63 ва 1,67 % юқори бўлганлиги аниқланган.


Барглارнинг ўсиши ва ривожланиши бўйича олинган маълумотларга кўра, сентябр ойининг 3 декадасида экилганда, экиш меъёрлари 1,0-1,5 млн.дона.га бўлган вариантларда энг кўп барглар ҳосил бўлиши (9,2-9,5 дона) кузатилган. Экиш меъёрларининг ортиши ва озиқа майдонининг қисқариши бу кўрсаткичнинг пасайишига олиб келган ва экиш меъёрлари 2,0; 2,5; ва 3,0 млн.дона.га бўлган вариантларда барглар сони тегишли равишда 8,4; 7,5 ва 7,2 донани ташкил қилган. Энг паст кўрсаткич гектарига 3,0 млн.дона экилган вариантда (7,2 дона) кузатилган. Экиш муддатлари 10 кунга кечикиши билан барглар сони 0,7 дона ва 20 кун кечикиши билан эса 1,0 дона кам бўлганлиги аниқланган.

Кузги рапснинг шохланиш даражасига экиш муддати ва меъёрининг таъсири қуйидагича намоён бўлди. Сентябрьнинг 3 декадасида экилганда шохлари сони 7,3 тадан 8,4 донани ташкил қилган бўлиб, экиш меъёрлари 1,0–1,5 млн.дона.га бўлган вариантларда бу кўрсаткич 8,4–7,7 донани ташкил

этган. Бироқ экиш меъёрларининг ортиши, яъни озиқа майдони қисқариши натижасида шохланиш даражаси пасайиб, экиш меъёрлари 2,0; 2,5; 3,0 млн.дона.га бўлган вариантларда шохлар сони мос равишда 7,7; 7,7; 7,3 тагача тушиб кетганлиги аниқланган.

Худди шундай, октябр ойининг биринчи декадасида экилганда ҳам шохланиш даражаси 4,4 тадан 7,5 тагача ўзгарган бўлиб, бу ҳолатда ҳам озиқа майдонининг кенгайиши шохланиш даражасини оширган, яъни экиш меъёри 1,0–1,5 млн.дона.га бўлган вариантларда шохлар сони 7,5–6,3 донани ташкил этган, экиш меъёри 2,0; 2,5; 3,0 млн.дона.га бўлганида эса бу кўрсаткич мос равишда 6,0; 5,2; 4,4 тагача тушиб, назорат вариантыга нисбатан 0,4 тадан 4,3 тагача камайган.

Октябрнинг иккинчи декадасида экилган кўчатларнинг шохланиш даражаси эса 3,1 тадан 6,6 тагача ўзгарган бўлиб, экиш меъёри 1,0–1,5 млн.дона.га бўлган вариантларда шохлар сони 6,6–6,0 донани ташкил қилган, озиқа майдонининг қисқариши эса ушбу кўрсаткични 2,9–3,5 тагача пасайишига олиб келган ва 2,0; 2,5; 3,0 млн.дона.га бўлган экиш меъёрларида шохлар сони мос равишда 5,4; 3,7; 3,1 донани ташкил қилган (3-расм).



3-расм. Кузги рапс Ясна навининг шохланиш даражасига экиш муддати ва меъёрларининг тасири (2020 йил)

Тажрибаларда поя баландлиги ва барг ҳосил қилиш динамикалари ўрганилган бўлиб, экиш меъёрлари кузги рапс Ясна навининг поя баландлигига таъсир қилиб, энг паст кўрсаткич экиш меъёрлари 1,0 млн.дона.га экилган вариантларда кузатилган. Бироқ экиш меъёри 3,0 млн.дона.га нисбатан бақувватроқ ва юқори шохланиш даражасига эга бўлган. Экиш муддатлари ҳам кузги рапс ўсимлигининг поя баландлигига таъсир қилиб, энг юқори поя баландлиги сентябрнинг 3-декадасида экилган

тажрибада (113,8 см) аниқланган. Экиш муддатлари кечиктирилиши поя баландлигини пасайишига (112,7 см) олиб келган.

Барг ҳосил қилиш динамикаси экиш меъёрларига боғлиқ ҳолда, энг юқори кўрсаткич 1,5 млн.дона.га экилган вариантда аниқланган бўлиб ривожланиш фазалар давомида барглар сони гуллаш фазагача ортиб борганлиги (24,8), пишиш фазасида эса кескин равишда барглар тўкилиши аниқланган.

Экиш меъёрлари ва муддатлари кузги рапснинг барг сатҳини шаклланишига таъсир қилиб, энг юқори кўрсаткич экиш меъёрлари 1,5 млн.дона.га бўлган вариантда олинган. Сентябрь ойининг 3-декадасида экилганда гуллаш фазасида назорат вариантыга нисбатан барг сатҳи 9,33 минг м²/га, октябрнинг 1-декадасида экилганда 8,40 минг м²/га, октябрнинг 2-декадасида экилганда эса назоратга нисбатан 7,38 минг м²/га юқори бўлганлиги аниқланган.

Олинган маълумотлар асосида кузги рапс Ясна навининг фотосинтетик потенциали экиш муддатлари ва меъёрлари туфайли ривожланиш даврларида ўзгариб борган ва энг юқори кўрсаткичлар гуллаш даврида кузатилган. Экиш меъёрларига кўра, озика майдонининг қисқариши ва кенгайиши сабабли бу кўрсаткичнинг пасайишини келтириб чиқарган. Энг юқори кўрсаткичлар экиш меъёрлари 1,5 млн.дона.га бўлган вариантларда олинган бўлиб, фотосинтетик потенциал сентябрнинг 3-декадасида экилганда, назоратга нисбатан 270,8 г/м²/сутка, октябрнинг 1-декадасида экилганда – 313,9 г/м²/сутка, октябрнинг 2-декадасида экилганда – 214,9 г/м²/суткага юқори бўлган.


Соф фотосинтетик маҳсулдорликка ҳам экиш муддатлари ва меъёрларининг таъсири билан экиш муддатларини 10-20 кунга кечиктирилиши ўсимликларнинг соф фотосинтетик маҳсулдорлигини пасайиб боришига олиб келган. Поя ҳосил қилиш, шоналаш ва гуллаш фазаларига ўтиш даврларида ўсимликларнинг соф фотосинтетик кўрсаткичлари даражасини кўтарилиб бориши аниқланган. Гуллаш фазасида, экиш муддати сентябр ойининг 3-декадасида, экиш меъёри 1,5 млн.дона.га бўлган вариантда назоратга нисбатан 2,43 г/м²/кун, октябрнинг 1-декадасида энг юқори кўрсаткич экиш меъёрлари 1,5 млн.дона.га бўлган вариантда назоратга нисбатан 2,43 г/м²/кун бўлгани ҳамда октябрнинг 2-декадасида экилган кузги рапс Ясна навининг соф фотосинтетик маҳсулдорлиги бу даврда ҳам энг юқори кўрсаткич экиш меъёрлари 1,5 млн.дона.га бўлган вариантда олинган ва назоратга нисбатан 2,22 г/м²/кун бўлгани кузатилган. Экиш муддатлари бўйича гуллаш фазасига келиб сентябрнинг 3-декадасида экилган вариантларда фотосинтетик маҳсулдорлиги октябрнинг 1-декадасида экилганга нисбатан 1,67-2,04 г/м²/кун ҳамда октябрнинг 2-декадасига нисбатан 3,4-4,31 г/м²/кун юқори бўлганлиги аниқланган.

Ўсимликларнинг қуруқ вазн ҳосил қилишига экиш меъёрлари ва муддатларнинг таъсири ўрганилганда сентябрнинг 3 декадасида экилган кузги рапснинг поя ҳосил қилиш фазасида қуруқ вазни 20,85 дан 26,0 г гача

экиш меъёрларига қараб ўзгариб, гектарига 1,0 млн.дона бўлган вариантда бу кўрсаткич 26,0 г ни ташкил қилган бўлса, экиш меъёри 1,5-2,0-2,5-3,0 млн.дона.га бўлган вариантда эса тегишли равишда 25,99-23,64-22,64-20,85 г га ўзгариб борган.

Шундай қонуният октябрнинг 1–декадасида экиш меъёри 1,0 млн.дона.га бўлган вариантда 20,26 г ни ташкил қилиб, экиш меъёри 1,5-2,0-2,5-3,0 млн.дона.га бўлган вариантда тегишли равишда 19,12-18,52-17,77-16,35 г ни, октябрнинг 2–декадасида ҳам энг яхши натижа экиш меъёри 1,0 млн.дона.га бўлган вариантда 15,99 г ни ташкил этиб, экиш меъёрлари 1,5-2,0-2,5-3,0 млн.дона.га бўлган вариантда мос равишда 15,92-14,48-13,87-2,77 г. га ўзгариб борган.

Шоналаш ва гуллаш фазаларида ҳам юқоридаги қонуният такрорланиб, сентябр ойининг 3 декадасида гектарига 1,0 млн.дона экилган вариантларда энг юқори кўрсаткичлар юзага келган. Бунга кўра шоналаш фазасида 44,30 г, гуллаш фазасида эса 84,78 г қуруқ вазн тўплаганлиги маълум бўлган (4-расм).



4-расм. Кuzги рапс Ясна навининг қуруқ вазн тўплашига экиш муддати ва меъёрларининг таъсири, дона.грамм/м² (2020 йил)

Олинган маълумотларга кўра, қўзоқчалар сонининг шаклланишига экиш муддатлари ва меъёрларининг таъсир қилганлиги, яъни сентябрнинг 3 декадасида экиш меъёрларига қараб, 198 дан 383 донагача ўзгариб борганлиги аниқланган. Экиш меъёрларининг ортиши ва озиқа майдонини қисқариши бу кўрсаткични пасайишига олиб келган. Экиш меъёрлари 1,0; 1,5; 2,0; 2,5; 3,0 млн.дона.га қилиб экилган вариантларда 383, 337, 259, 231 ва 198 донани ташкил қилиб, энг паст кўрсаткич озиқа майдони қисқа ва экиш меъёрлари юқори (3,0 млн.дона.га) бўлган вариантда аниқланган. Экиш муддатларининг кечикиши бу кўрсаткични янада пасайишига олиб келиб,

октябрнинг 1 декадасида экиш меъёрларига боғлиқ ҳолда, 186-380 донагача ўзгарган. Экиш меъёрлари 1,0; 1,5; 2,0; 2,5; 3,0 млн.дона.га экилган вариантларда 380, 318, 244, 218 ва 186 бўлганлиги кузатилган. Сентябрнинг 3-декадасида экилган вариантлар энг мақбул бўлиб, октябрнинг 1-декадасида экилганга нисбатан кўзоқчалар сони 3,0-12 донага ва октябрнинг 2-декадасида 5-15 донага кўп бўлганлиги кузатилган.

Ҳосил органларнинг шаклланиши мониторингини олиб бориш, келажакда ҳосилдорликни башорат қилиш ва ҳосил структурасини шаклланишига қандай агротехник тадбирларнинг таъсир қилишини аниқлашга ёрдам беради. Ҳосил органлардан кўзоқчаларнинг вазни асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Тадқиқотларда кузги рапс Ясна нави кўзоқчалари вазнига экиш муддатлари ва меъёрларининг таъсири ўрганилганда сентябр ойининг 3-декадасида экилган кузги рапс Ясна навининг кўзоқчалари вазни экиш меъёрлари 1,0 млн.дона.га бўлган вариантда кўзоқчаларнинг ўртача вазни 97,1 граммни ташкил қилган бўлса, экиш меъёрларининг 1,5; 2,0; 2,5; 3,0 млн.дона.га ортиши бу кўрсаткични вариантларга мос равишда 84,5; 63,7; 45,2; 36,2 граммни ташкил қилган. Экиш муддатларининг кечиктирилиши, октябр ойининг 1-декадасида экилган кўчатларнинг кўзоқчалари вазнига таъсир қилиб, экиш меъёрлари 1,0 млн.дона.га бўлган вариантда 85,4 граммни ташкил қилган бўлса, экиш меъёрлари 1,5; 2,0; 2,5; 3,0 млн.дона.га ортиши вариантларга тегишли равишда 78,1; 59,2; 40,6; 31,7 граммни ташкил қилган (1-жадвал).

1-жадвал

Экиш муддати ва меъёрларининг шохланиш даражаси, кўзоқчалар шаклланиши ва 1000 дона уруғ вазнига таъсири (2020 йил)

Вариант рақами	Экиш муддатлари	Экиш меъёрлари	Шохланиш даражаси, дона	Кўзоқчалар сони, дона	Кўзоқчалар оғирлиги, грамм	Кўзоқчалар узунлиги, см	Кўзоқча ичидаги уруғлар сони,	Уруғлар сони, дона	Битта ўсимликдаги уруғлар оғирлиги, грамм	1000 дона уруғ вазни, грамм
1	Сентябрнинг 3-декадаси (21.09.2019)	1	8,4	383	97,1	8,0	26	9959	32,9	3,2
2		1,5	7,7	337	84,5	7,8	24	7979	24,7	3,1
3		2	7,6	259	63,7	6,4	23	5930	17,2	2,9
4		2,5	7,3	231	45,2	5,5	22	5053	14,1	2,8
5		3	6,4	198	36,2	4,1	21	4148	11,2	2,8
6	Октябрнинг 1-декадаси (02.10.2019)	1	8,0	380	85,4	7,6	24	9327	30,8	3,1
7		1,5	6,7	318	78,1	7,5	23	7320	22,7	3,1
8		2	5,9	244	59,2	6,1	23	5455	15,8	2,7
9		2,5	5,5	218	40,6	5,2	21	4586	12,8	2,8
10		3	4,3	186	31,7	3,9	20	3729	10,4	2,6
11	Октябрнинг 2-декадаси (12.10.2019)	1	6,4	378	76,5	7,2	24	9077	30,0	3,0
12		1,5	5,6	313	70,0	7,1	22	6894	21,4	3,0
13		2	4,8	240	54,2	5,8	21	5172	15,0	2,9
14		2,5	3,8	215	36,9	4,9	21	4516	12,6	2,8
15		3	3,2	183	29,4	3,7	20	3672	9,9	2,7

Октябр ойининг 1-декадасида экилган кузги рапс Ясна навига нисбатан сентябрнинг 3-декадасида экилган вариантларда кўзоқчалар вазни 4,5-11,7 граммга юқори бўлганлиги кузатилган. Экиш меъёри юқори бўлган (3,0 млн.дона.га) вариантда энг вазни кам бўлган кўзоқчалар ҳосил бўлганлиги кузатилган.

Октябр ойининг 2-декадасида экилган тажрибада ҳам экиш меъёрларига қараб 29,4 дан 76,5 г/га гача ўзгариб, гектарига 1,0 млн.дона бўлган вариантларда кўзоқчалар вазни 76,5 г/га ни ташкил қилган. Экиш меъёрлари 1,5; 2,0; 2,5; 3,0 млн.дона.га бўлган вариантларда мос равишда 70,0; 54,2; 36,9; 29,4 г/га бўлиб, сентябрнинг 3-декадасига нисбатан вариантлар бўйича 20,6; 14,5; 9,5; 8,3; 6,8 г кам бўлганлиги кузатилган.

2020–2022 йиллар давомида кузги рапснинг Ясна навини экиш муддати ва меъёри ҳосилдорликка сезиларли даражада таъсир кўрсатиб, сентябрнинг 3-декадасида экишда энг юқори ҳосилдорлик (32,60 ц/га) 1,5 млн. дона.га экиш меъёрида қайд этилган. Бу назорат вариантдан 4,01 ц/га (14,02%) юқори бўлган. Экиш меъёри ортиши билан озика майдони қисқаради ва бу эсаўсимликларнинг ўсиб ривожланишига, ҳосил шаклланишига салбий таъсир этган натижада қўшимча ҳосил ҳажмини пасайишига олиб келган (2-жадвал).

2-жадвал

Кузги рапс Ясна нави ҳосилдорлигига экиш муддат ва меъёрларининг таъсири,
(ўртача 2020-2022 йиллар)

Вариант рақами	Экиш муддатлари	Экиш меъёрлари, кг.га	Йиллар			Ўртача	Қўшимча ҳосилдорлик Сентябрьнинг 3-декадаси		Қўшимча ҳосилдорлик Октябрнинг 1-декадаси		Қўшимча ҳосилдорлик Октябрнинг 2-декадаси	
			2020	2021	2022		ц/га	%	ц/га	%	ц/га	%
1	Сентябр-нинг 3-декадаси	1	28,63	28,05	29,08	28,59	-	-	-	-	-	-
2		1,5	33,03	30,88	33,88	32,60	4,01	14,02	-	-	-	-
3		2	29,77	29,08	32,88	30,57	1,99	6,96	-	-	-	-
4		2,5	31,11	28,82	31,40	30,44	1,86	6,49	-	-	-	-
5		3	28,69	28,29	29,13	28,70	0,12	0,40	-	-	-	-
6	Октябр-нинг 1-декадаси	1	26,05	25,31	25,35	25,57	-3,02	-10,55	-	-	-	-
7		1,5	29,03	28,28	28,95	28,75	0,17	0,58	3,18	12,45	-	-
8		2	26,70	25,74	28,67	27,04	-1,55	-5,42	1,47	5,74	-	-
9		2,5	27,23	25,74	26,32	26,43	-2,16	-7,56	0,86	3,35	-	-
10		3	26,09	25,57	25,58	25,75	-2,84	-9,93	0,18	0,70	-	-
11	Октябр-нинг 2-декадаси	1	24,52	23,87	25,00	24,46	-4,12	-14,42	-	-	-	-
12		1,5	26,42	25,78	29,37	27,19	-1,40	-4,89	-	-	2,73	11,14
13		2	24,28	24,28	26,59	25,05	-3,54	-12,37	-	-	0,59	2,40
14		2,5	25,91	24,85	26,85	25,87	-2,72	-9,50	-	-	1,41	5,75
15		3	23,84	23,80	24,31	23,99	-4,60	-16,09	-	-	-0,48	-1,95

2020	Sd= 0,75 ц	HCP05= 1,53 ц	Sx= 0,53	HCP05%= 1,94 %
	Sd= 0,34 ц	HCP05(A)= 0,69 ц	Sx (A)= 0,24	HCP05%= 0,88 %
	Sd= 0,43 ц	HCP05(B)= 0,88 ц	Sx (B)= 0,31	HCP05%= 1,13 %
2021	Sd= 0,69 ц	HCP05= 1,41 ц	Sx= 0,48	HCP05%= 1,80 %
	Sd= 0,31 ц	HCP05(A)= 0,63 ц	Sx (A)= 0,22	HCP05%= 0,83 %
	Sd= 0,40 ц	HCP05(B)= 0,82 ц	Sx (B)= 0,28	HCP05%= 1,05 %
2021	Sd= 0,67 ц	HCP05= 1,37 ц	Sx= 0,47	HCP05%= 1,67 %
	Sd= 0,30 ц	HCP05(A)= 0,61 ц	Sx (A)= 0,21	HCP05%= 0,74 %
	Sd= 0,39 ц	HCP05(B)= 0,80 ц	Sx (B)= 0,27	HCP05%= 0,96 %

Октябр 1-декадасида экилган рапса ҳам 1,5 млн. дона.га меъёрида ҳосилдорлик юқори (28,75 ц/га) бўлганлиги аниқланган ва назоратга нисбатан 3,18 ц/га (12,45%) қўшимча ҳосил қайд этилган. Жадвал маълумотларига кўра, бошқа юқори экиш меъёрларида қўшимча ҳосил камайган.

Октябрнинг 2-декадасида экилганда ўсимликлар учун 1,0 млн. дона.га экиш меъёридаги ҳосил) энг юқори (24,46 ц/га бўлиб, назоратдан 4,12 ц/га (14,42%) ортиқ натижа берган. Бошқа меъёрларда ҳосил паст бўлган.

Уруғларнинг кимёвий таркиби сентябрнинг 3-декадасида гектарига 1,0 млн.дона экилган вариантларда энг яхши натижалар кузатилиб, уруғ намлиги 0,83 %, кул миқдори 0,37%, оксил 1,89 %, клетчатка 1,21 %, кальций 0,05 %, фосфор 0,5%, ёғ 4,15%, кислоталилик 0,11% ни ташкил этган.

Экиш муддатлари 10 ва 20 кунга камайиши билан уруғларнинг сифат кўрсаткичлари ҳам камайиб бориб, бу муддатларда энг яхши натижалар экиш меъёри гектарига 1,0 млн.дона экилган вариантларда аниқланган.

Сентябрнинг 3 декадасида октябрнинг 1-декадасида экилганга нисбатан уруғ намлиги 0,83 %, кул миқдори 0,37%, оксил 1,89 %, клетчатка 1,21 %, калций 0,05 %, фосфор 0,5%, ёғ 4,15%, кислоталилик 0,11% га, октябрнинг 2-декадасида экилганга нисбатан эса уруғ намлиги 1,41 %, кул миқдори 0,80%, оксил 5,63 %, клетчатка 6,09 %, кальций 0,10 %, фосфор 0,10 %, ёғ 11,56 %, кислоталилик 0,21% юқори бўлганлиги аниқланган.

Диссертациянинг **“Кузги распи экиш муддатлари ва меъёрларининг иқтисодий самарадорлиги ва ишлаб чиқариш шароитидаги тажрибалар натижалари”** деб номланган тўртинчи бобида, уч йиллик ўртача уруғ ҳосили, кузги рапс бўйича бир гектар майдонга сарфланган жами ҳаражатлар, сотишдан тушган ялпи даромад, 1 гектардан олинган соф фойда, таннархи, рентабеллик даражаси тўғирисидаги маълумотлар киритилган.

Агротехник тадбирларни қўллаш натижаларига кўра, олинган ялпи соф фойда сентябрнинг 3-декадасида экилган тажрибада экиш меъёрларига қараб 5754352 сўмдан 8187352 сўмгача ўзгариб борган. Сентябрьнинг 3-декадасида 1,0 млн.дона.га экилган назорат вариантыда соф фойда 6043187 сўм/га ни ташкил этган бўлса, экиш меъёри 1,5 млн.дона.га оширилганда бу кўрсаткич 244167 сўмга ошган. Экиш меъёрлари 2,0; 2,5; 3,0 млн.дона.га оширилганда эса соф фойда кўрсаткичи кескин пасайиб кетди ва вариантларга мос равишда 696451, 6 830352 ва 5 754 352 сўм/га ни ташкил қилган.

Таннарх назорат вариантыда 3386000 сўмни ташкил этган бўлиб, экиш меъёри 0,5 млн.дона.га оширилганда, бу кўрсаткич 393 сўмга камайгани аниқланган. Экиш меъёри яна 0,5 млн.дона.га оширилганда эса таннархнинг ортиши кузатилган. Назорат вариантыга нисбатан 2,0; 2,5; 3,0 млн.дона.га экилган вариантларда кузги рапс Ясна нави таннархи мос равишда 158, 125, 109 сўмга баланд бўлиб, 3328; 3261 ва 3495 сўм/га ни ташкил қилган.

Рентабеллик даражаси экиш меъёри 1,0 млн.дона.га бўлган вариантда 62,9%, 1,5 млн.дона.га бўлган вариантда 83,9% бўлиб, назорат вариантыга нисбатан 2% юқори экани аниқланган. Экиш меъёри 2,0 млн.дона.га бўлган вариантда рентабеллик даражаси 71,0% ни ташкил этиб, назорат вариантыга нисбатан 8,1% юқори бўлган. 2,5 млн.дона.га экилган вариантда эса рентабеллик 58,0% га етган.

Экиш меъёри 3,0 млн.дона.га бўлган вариантда бу кўрсаткич кескин 5,1% га пасайиб, 57,8% ни ташкил қилган.

Октябр ойининг 1-декадасида экилган кузги рапс Ясна навида қўлланган агротехник тадбирлар соф фойдага қуйидагича таъсир қилганлиги аниқланган. Октябрнинг 1-декадасида экиш меъёрлари 1,0 млн.дона.га экилган вариантда кузги рапснинг соф фойдаси 4386685 сўм/га, экиш меъёри 1,5 млн.дона.га экилган вариантда 6050185 сўм, экиш меъёри 2,0 млн.дона.га экилган вариантда 5022018 сўм ва экиш меъёри 3,0 млн.дона.га экилган вариантда 430185 сўмни ташкил қилган. Бу тажрибада ҳам экиш меъёрининг ортиши соф даромад ортишига олиб келиши ва экиш меъёри 3,0 млн.дона.га экилган вариантда кескин тушиб кетиш қонунияти кузатилган. Бу тажрибада ҳам энг юқори соф фойда 1,5 млн.дона.га экилган вариантда аниқланган. Назорат вариантыга (экиш муддати сентябрьнинг 3-декадасида, экиш меъёри 1,0 млн.дона.га) нисбатан бу кўрсаткич экиш меъёрларига мос равишда 1656500, 2337167, 1942500, 222667, 1624167 сўм паст бўлиши кузатилган.

Рентабеллик даражаси экиш меъёрларига мос равишда 45,8; 62,4; 51,2; 46,6 ва 41,6 % ни ташкил қилган. Октябрнинг 1-декадасида экилган кузги рапс Ясна навининг таннархи 3 396 сўмдан 3 897 сўмгача ўзгариб борган. Энг юқори таннарх экиш меъёри 3,0 млн.дона.га бўлган вариантда 3 897 сўмни ташкил қилган. Экиш меъёри 1,5 млн.дона.га бўлган вариантда таннархнинг энг паст кўрсаткичи аниқланган. Экиш меъёрларининг ортиши ва камайиши бу кўрсаткичнинг пасайишига олиб келган. Рентабеллик даражаси бу тажрибада 41,6% дан 62,4% гача ўзгариб борган. Энг юқори рентабеллик экиш меъёри 1,5 млн.дона.га бўлган вариантда аниқланган. Экиш муддатларининг кечиктирилиши соф фойда ва рентабеллик кўрсаткичларининг пасайиб кетишига ва таннархнинг ошиб кетишига олиб келган.

Октябрнинг 2-декадасида экилган кузги рапс Ясна навида олиб борилган агротехник тадбирлар натижасида соф фойда 3 152 352 сўмдан 5 188 518 сўмгача ўзгариб борган. Бу тажрибада ҳам экиш меъёрларининг ортиши билан соф фойданинг тушиб кетиш қонунияти кузатилган. Экиш меъёрлари 1,0 млн.дона.га бўлган назорат вариантыда соф фойда 3 776 518 сўмни ташкил қилган бўлса, экиш меъёри 1,5 млн.дона.га бўлган вариантда энг юқори соф фойда олинган (5 188 518 сўм). Экиш меъёрларининг ортиши соф фойданинг тушиб кетишига олиб келган. Экиш меъёри 2,0 млн.дона.га бўлган вариантда 3 913 352 сўм, экиш меъёри 2,5 млн.дона.га бўлган вариантда 4 294 518 сўм ва экиш меъёри 3,0 млн.дона.га бўлган вариантда 3 152 352 сўм/га бўлгани кузатилган. Рентабеллик даражаси 31,9% дан 53,4% гача ўзгариб борган. Бу тажрибада ҳам энг юқори кўрсаткич экиш меъёри 1,5 млн.дона.га бўлган вариантда аниқланган. Энг паст рентабеллик кўрсаткичи экиш меъёри 3,0 млн.дона.га бўлган вариантда кузатилган.

ХУЛОСАЛАР

1. Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида кузги рапснинг уруғлари сентябр ойининг 3 ўн кунлигида, гектарига 1,0-3,0 млн дона ҳисобида экилганда, унувчанлиги 90,5-94,7%, октябр ойининг 1 ўн кунлигида экилганда 89,0-93,0%, 2 ўн кунлигида экилганда 86,8-92,4% ни ташкил этиб, сентябр ойининг 3 ўн

кунлигида экилган уруғлар унувчанлиги октябрнинг 1 ва 2 ўн кунликларида экилганга нисбатан 1,5-3,8 % юқори бўлганлиги аниқланган ва лаборатория шароитида эса уруғлар унувчанлиги 97,7% дан 100% гача ўзгарган бўлиб, ўртача 99,8% ни ташкил қилган.

2. Кузги рапс қишлаб чиқиш даражаси, экиш меъёрларига боғлиқ ҳолда сентябр ойининг 3 ўн кунлигида экилганда 90,2-96,2%, октябрнинг 1 ўн кунлигида экилганда 89,2-95,1% ва октябрнинг 2 ўн кунлигида экилганда эса 86,9-94,4% ни ташкил қилган бўлса, экиш меъёрлари 1,0 млн дона.га дан 3,0 млн дона.га ортиб бориши билан қишлаб даражаси камайиши кузатилган.

3. Кузги рапс ривожланиш даври давомийлиги сентябр ойининг 3 ўн кунлигида экилганда 249 кун, октябрнинг 1 ўн кунлигида экилганда 261 кун ва октябрнинг 2 ўн кунлигида экилганда 269 кун бўлган ҳолда, экиш меъёрлари 1,0 млн дона.га дан 3,0 млн дона.га ортиши билан 10-19 кун кечроқ пишиб етилиши қайд этилган.

4. Кузги рапс барг сатҳи гуллаш даврида жадал ривожланиб, сентябрнинг 3 ўн кунлигида экилганда 54,66-63,99 минг.м²/га, октябрнинг 1 ўн кунлигида экилганда 50,91-59,31 минг.м²/га, октябрнинг 2 ўн кунлигида экилганда 47,16-54,54 минг.м²/га бўлган ҳолда, 1,5 млн.дона.га экиш меъёрида юқори натижалар олинган.

5. Кузги расп гектарига 1,5 млн.дона.га экилганда фотосинтез маҳсулдорлиги энг юқори бўлиб 15,3 минг м²/га ни ташкил этган ҳолда, 1,0-2,0-2,5-3,0 млн.дона/га экилганга нисбатан 2,1-1,1-1,0-3,5 минг м²/га ортгани ҳамда экиш муддати сентябрнинг 3- ўн кунлигидан 10 кунга кечиктирилганда 9,5-12,2 минг м²/га, 20 кун кечиктирилганда 7,0-9,0 минг м²/га ни ташкил қилгани аниқланган.

6. Кузги рапснинг кўзоқлари сони ва вазнига экиш муддатлари ва меъёрлари ўзига ҳос таъсир кўрсатиб, сентябр ойининг 3 ўн кунлигида 1,0-1,5 млн дона/га экилганда 383-337 дона ва 97,1-84,5 г, октябр ойининг 1 ўн кунлигида экилганга нисбатан 3-19 дона ва 11,7-6,4 г, 2 ўн кунлигида экилганга нисбатан 5-24 дона ва 20,6-14,5 г юқори эканлиги, экиш меъёрларининг ортиши кўзоқлар сони ва вазнининг камайишига олиб келган ҳолда, энг паст кўрсаткич экиш меъёри 3,0 млн.дона/га бўлганда кузатилган.

7. Кузги рапс энг юқори уруғ ҳосили сентябрнинг 3 ўн кунлигида 1,5 млн.дона.га экилганда 32,6 ц/га ни ташкил этиб, экиш муддати кечиктирилиши (октябрнинг 1-2 ўн кунликлари) ҳосилдорликнинг мос равишда 2,84-3,02 ц/га, 1,40-4,60 ц/га камайишига ва экиш меъёрлари 1,5 млн.дона/га дан ортиб бориши (2,0; 2,5; 3,0 млн.дона/га) билан ҳосилнинг камайиши аниқланган.

8. Кузги рапс уруғларининг кимёвий таркиби (кул миқдори, клетчатка, кальций, фосфор, ёғ, кислоталилик) экиш меъёрларнинг ортиши билан пасайиши ва экиш меъёрлари 1,0 ва 1,5 млн.дона/га бўлганда уруғ таркибидаги мой 41,1 %, оқсил 20,97-21,16 %, клетчатка 38,72-39,09%, кальций 0,47 %, фосфор 0,52 % эканлиги аниқланган.

9. Кузги рапс сентябрнинг 3 ўн кунлигида 1,5 млн.дона/га экилганда, соф даромад 8,187,352 сўм/га ва рентабеллик даражаси эса 83,9% ни ташкил қилган ҳолда энг юқори иқтисодий самарадорликка эришилган.

10. Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида кузги рапснинг Ясна навидан юқори ва сифатли уруғ ҳосили олиш учун сентябрнинг 3 ўн кунлигида гектарига 1,5 млн.дона уруғ экиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSC.05/30.12.2019.QX.42.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ СЕЛЕКЦИИ, СЕМЕНОВОДСТВА И
АГРОТЕХНОЛОГИЙ ВЫРАЩИВАНИЯ ХЛОПКА.**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ СЕЛЕКЦИИ,
СЕМЕНОВОДСТВА И АГРОТЕХНОЛОГИЙ ВЫРАЩИВАНИЯ
ХЛОПКА**

ЁКУБОВ ЖАСУР АШУРАЛИЕВИЧ

**ВЛИЯНИЕ СРОКОВ И НОРМ ПОСЕВА НА РОСТ, РАЗВИТИЕ И
УРОЖАЙНОСТЬ ОЗИМОГО РАПСА**
(в условиях типичных сероземов Ташкентской области)

06.01.08 – Растениеводство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2025

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Министерства Республики Узбекистан за номером B2020.4.PhD/Qx668.

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологий выращивания хлопка (НИИССАВХ).

Автореферат диссертации доктора философии (PhD) на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета по адресу www.psuyaiti.uz и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Каримов Шарофиддин Абдукаримович**
доктор философии по сельскохозяйственным наукам,
старший научный сотрудник

Официальные оппоненты: **Телляев Рихсивой Шамахмадович**
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Бозоров Холмурод Махмудович
доктор сельскохозяйственных наук, старший научный
сотрудник

Ведущая организация: **Научно-исследовательский институт генетических
ресурсов растений**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2025 года в __ часов на заседании Научного совета DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 при Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (адрес: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, с.с.г. Ботаника, ул. УзПИТИ, НИИССАВХ. Тел: (+99878)150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37; e-mail: rahtaуз@mail.ru.)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (зарегистрирована за № _____). (Адрес: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, с.с.г. Ботаника, ул. УзПИТИ, НИИССАВХ Тел:(+99878) 150-62-84; факс:(+99871) 150-61-37.)

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2025 года.
(реестр протокола рассылки № __ от «__» _____ 2025 года.)

Ш.Н.Нурматов
Председатель научного совета
по присуждению учёных
степеней, д.с/х.н., профессор

Ф.М.Хасанова
Учёный секретарь научного
совета по присуждению учёных
степеней, к.с/х.н., профессор

Ж.Х.Ахмедов
Председатель научного
семинара при научном совете
по присуждению учёных
степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Обеспечение потребности населения мира в продуктах питания и снабжение безопасными и качественными продовольственными товарами придаёт особую важность растительному маслу. С этой точки зрения рапс является одной из основных сельскохозяйственных культур во всём мире и выращивается преимущественно ради масла, которое используется в кулинарии и промышленности. На выращивание рапса в мире влияют различные факторы, включая аграрные практики, рыночный спрос, климатические условия, уровень агротехнологий и адаптивность сортов. В настоящее время объём производства масличного рапса в мире составляет 89,58 млн тонн, из которых 19,65 млн тонн приходится на Европейский союз, 19,25 млн тонн — на Канаду, 15,9 млн тонн — на Китай, 12 млн тонн — на Индию, 6,1 млн тонн — на Австралию, 5,3 млн тонн — на Россию, 3,5 млн тонн — на Украину, а на другие страны — 7,9 млн тонн.¹ В то время как в мире с каждым днем растёт спрос на качественные масличные продукты, разработка оптимальных сроков и норм посева для получения высокого и качественного урожая семян сортов рапса приобретает важное научно-практическое значение.

Научные исследования, проводимые в мире по выращиванию рапса, направлены на повышение урожайности, стрессоустойчивости и качества масла сортов рапса. Ведутся научно-исследовательские работы по разработке инновационных агротехнологий в области сроков, норм и способов посева, подкормки, защиты от вредителей, а также повышения урожайности и качества семян различных сортов. Наряду с этим, для достижения высокой урожайности и повышения экономической эффективности в процессе выращивания рапса внедряются современные и инновационные агротехнологии (капельное орошение, использование прецизионной техники, обработка биологически активными веществами).

